



## ЁШЛАРНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

*Қашқадарё вилоят Шаҳрисабз  
Давлат педагогика институти  
“Санъатишунослик” кафедраси мудири  
Бобомуротов Зиёдулло Рустамович*

**Аннотация:** Ёшларнинг тафаккур мустақиллиги, бадий эстетик диди ва юксак дунёқарашини кучайтиришнинг ўзига хос йўналишлари, йўллари, усуллари, воситалари, шакллари аниқланган. Энг муҳими ёшларнинг интеллектуал, маънавий салоҳияти, ижтимоий фойдали фаолиятларини вужудга келтиришнинг технологик қонуниятларига доир масалалар акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Тасвирий санъат, эстетик қараш, илм ва тафаккур, эстетик идеаллар, ақлий салоҳият, бадий фаолият ва ижод, юксак дунёқараш ва маданият, фаоллик, ноанъанавий услуб, янги ифода, креатив лойиҳа, замонавий технология, илғор тажриба.

**Аннотация:** в статье определены конкретные пути, методы, средства, формы укрепления самостоятельности мышления, художественно-эстетического вкуса и высокого мировоззрения молодежи. Самое главное, отражены вопросы интеллектуального, духовного потенциала, общественно полезной деятельности молодежи.

**Abstract:** the article defines specific ways, methods, means, forms of strengthening the independence of thinking, artistic and aesthetic taste and high worldview of young people. Most importantly, it reflects the issues of intellectual, spiritual potential, and socially useful activities of young people.



Тасвирий санъат мустақил, фаол бадий-эстетик фаолияти билан ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, даврнинг руҳияти, унинг сиёсий, маънавий-маърифий ва эстетик қарашларини акс эттирувчи манбага айландики, бу унинг инсон тафаккуридаги нозик ўзгаришларни ўзида акс эттириш имкониятига эга бўлган соҳа эканлигини ифода этади. Тасвирий санъатнинг дунёвий эстетик қарашларни кучайиб боришидан унинг қонун-қоидаларини илмий асосда ўрганишга қизиқиш ошиб бормоқда. Энг муҳими тасвирий санъатнинг ноанъанавий услубида янги ифода ва тасвир воситаларини топиш ва бутунлай янгича санъат яратишга интилиш ҳаракати кучайиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон Тасвирий санъатининг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, ёшларнинг эстетик дунёқараши, ҳис-туйғуларини янгича услуб ва шаклларда ифода этишга интилиши билан белгиланади. Айнан шу йўналишдаги масалаларга яъни тасвирий санъат ривожига ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини янада ривожлантириш ва жаҳон миқёсида оммалаштириш, истеъдодли ёш рассомларни қўллаб-қувватлаш, бадий таълим соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш ҳамда янги замонавий технологияларни қўллаган ҳолда креатив лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида қарор қилинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисида Тошкент ш., 2025 йил 1 июль, ПҚ-212-сон қарори, Унда қуйидаги масалаларга жиддий эътибор берилди:

- ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида истеъдодли ёшларни тасвирий ва амалий санъат соҳаларига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишда турли креатив лойиҳалардаги иштирокини рағбатлантириш;



- бадий таълим соҳасида кадрлар тайёрлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш ва такомиллаштириш, шунингдек, академик бадий таълимнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш;

- Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини жаҳон миқёсида оммалаштириш мақсадида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳоказо.

Тасвирий ва амалий санъатга бўлган бундай эътибор ёшларнинг ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадий эстетик дид каби хислат ҳамда сифат-фазилатларини ўстиришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшлар тафаккурининг кенглиги ҳар қандай масала ечимини мустақил ва эркин ҳал эта олишига ёрдам беради. Тафаккур мустақиллиги бўлмаган ёшларнинг фикри суст бўлади. Улар узок вақт битта фикрда туриб қоладилар, бирор масаланинг ечимини топишга қийналади, фаол фикрловчи ёшлар эса ҳар қандай мураккаб муҳитда ҳам масаланинг ечимини ҳар жиҳатдан тушуниб, фикр юритади ва дарҳол тўғри хулосага келади. Уларнинг зеҳни ўткир, қобилияти, фикр юритиши ривожланган бўлади. Шу сабабли бу ёшлар тафаккур мустақиллигига эга бўлгач, ҳар қандай ақлий ишдан завқланадилар, ҳар қандай билимни онгли равишда ўзлаштирадилар ва амалиётга татбиқ эта оладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Бугунги кунда «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган<sup>1</sup>» деб таъкидлаб ўтган.

Маълумки, тафаккур тайёр ҳолда юзага келмайди. У борлиқни сезиш,

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -13-б.



идрок этиш, тушунш, каби ҳиссий асос орқали содир бўлади. Ҳар қандай билиш жараёни худуди шу ҳиссий асос таъсирида кечади.

Ёшларнинг бадий - эстетик дидини шакллантириш, уларнинг ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини кенгайтириш ва чуқур, мукамал билимга эга бўлиши фақат мустақил ўқиш орқали амалга оширилади. Мустақил фикрга эга бўлишда ҳам мустақил равишда орттирилган билимлар муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, ёшларни эркин фикрлашга ундаш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишларига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, мустақил фикр юритишга эга бўлган ёшларимиз камол топиб, ўз кучини синаб кўра оладилар. Шунинг учун, таълим-тарбия ишида ёшларнинг ўз-ўзини такомиллаштириш жараёнига кенг ўрин берилмоғи лозим. Чунки, фақат мустақил ўрганиш туфайлигина ижодий фикрлаш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш мумкин. Бу борада ёшлар ва уларга давлат ҳамда жамиятнинг муносабати тўғрисида Президентимиз томонидан қуйидаги фикрлар бирдирилган: «Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз<sup>2</sup>». Ўша манба.

Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, ёшларнинг мустақил фикр юритиши уларнинг ўз-ўзини англаши, онги, тафаккури шаклланиши асосида бутун хатти-ҳаракатининг онгли равишда тартибга келиши ва ижтимоий муносабатлар доирасига киришишида намоён бўлади. Бу жараёнда ёшларнинг

---

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -13-б.



онги ташқи боғлиқликда бир мақсадга қаратилган ҳолда шаклланади. Демак, ёшларда аввало, ҳиссий таъсирчанлик кучайса, сўнгра, идрок этишнинг такомиллашуви юзага келади. Аста-секин тафаккур, диққат, хотира ривожланади ва нарсаларнинг ҳодисаларнинг ривожланиши қонуниятларини яхши тушунишига кенг йўл очилади. Бунинг натижасида ёшларнинг амалий ҳаётда мустақиллик кўрсатиши, ўз олдига аниқ вазифаларни қўя олиши, уларни ички иштиёқ билан бажаришни англаши, ўз-ўзини тарбиялаши каби истагининг вудудга келиши кузатилади. Шу тариқа уларнинг мустақил фаолияти, ижодий фаоллигини юзага келтирувчи кўникмалари ҳосил бўлади ва ҳар қандай фаолиятдаги вазифаларни мустақил ҳал этишга интилади. Ёшларнинг шу интилишини ва уларнинг мустақил фаолиятини онгли ва аниқ мақсадни кўзлаб режалаштириш ва йўналтириши шарт ҳисобланади. Бу борада уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ва турли фаолият юзасидан тушунча, кўрсатма, маслаҳатлар бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Айниқса ёшларнинг тафаккур мустақиллигини кучайтиришга доир турли топшириқлар бериш, машқлар бажаришнинг аҳамияти жуда каттадир. Масалан: Ўзбекистон ҳақида фикр изҳор этиш мумкин.

Она - ватанимиз Ўзбекистон заминида яшашимиздан биз ёшлар бахтлимиз. Танимиз қалбимизда шодлик ва руҳий озодликдан яйрайди. Истиқлол куёши ўзининг заррин нурларини мустақил Ўзбекистоннинг гуллаган чаманзорларига таратмоқда. Мустақил заминда туғилган гўдак жонажон масканида яйраб, ғурур, ифтихор ила камол топмоқда. Биз бошимизни мағрур тутган ҳолда Ватан ишқида ёниб яшаймиз. Истиқлол нурини авайлаб - асраб шу азиз Ватанга қалқон бўламиз. Боболаримиз орзу қилган ва кимгадир армонга айланган бу ҳур кунларда шодон бўлиб, мустақилликнинг қадрига етиб яшаймиз. Темур бобомиз руҳи бизни қўллагай. Аجدодларимизнинг матонати ҳеч қачон ўлмайди. Биз уларга доимо содиқ ва вафодор қиз - ўғлонлар бўламиз. Ватан - бизга онадек азиз. Унинг баргини



яшнатиб гулзор этамиз. Метин кўрғон бўлиб, тинчлигини сақлаймиз ва ёвлардан ҳимоя қиламиз. Халқимиз ва бутун жаҳон бахт - иқбол истайди ва бир мақсад йўлини кўзлайди. Тинчликнинг ғолиб чиқишига, ҳақиқатнинг енгишига ишонади. Шу сабабли инсонларнинг хоҳиши ҳам, ҳаётнинг қонуни ҳам тинчликнинг абадий яшаши, ер юзини гуллатиб яшнатишдир. Азамат халқимиз ватан ишқида бўлиб, меҳнатда зафарларга эришадилар. Шу сабаб она - заминимизнинг бир кафт тупроғини кўзимизга суриб, элимизга мададкор бўламиз, юртимиз кадрига этамиз. Озод, обод Ватан, тинч фаровон ҳаёт қурмоқдамиз. Энди бутунлай озодмиз. Биз ҳеч кимдан ҳеч қачон кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз энди ҳеч қачон ортга қайтиш йўқ. Ватанни асраш улуғ ишимиздир. "Ўзбекистон - ягона Ватан" деган юксак гўзал ҳис - туйғуни онгимиз ва қалбимиздан жонли ҳис этамиз. Бу бизнинг келажакдаги эзгу - ниятларимизни рўёбга чиқаришга имкон беради. Ёшларнинг бу каби фикрлари уларнинг мустақилликни янада чуқурроқ ҳис этишига ёрдам беради. Бундан ташқари ёшларнинг мустақиллик туйғусини кучайтириш мақсадида "Фикрлаш харитаси"дан фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. У ўз ичига асосий тушунча, савол ва белгиларни қамраб олган бўлакчалардан иборатдир. Бундай тушунчалар орасида йўналтирувчи ва аниқловчи саволлар орқали унга мос жавоблар тарзидаги белгилар қўйилади. "Фикрлаш харитаси" ғояларнинг зарурати ва аҳамиятини ихчам кўринишда тартибга келтиради. Таклиф қилинаётган "Фикрлаш харитаси" янги мавзунини тушунтириш, олинган билимларни мустаҳкамлаш, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолашда ишлатилади. "Фикрлаш харитаси" билан ишлаганда мавзунини бир неча мустақил бўлакларга бўлиш, асосий вазифа ва ҳаракатларни аниқлаш, хилма - хил белгилардан фойдаланиш каби қоидаларга жиддий эътибор берилади. Бу ҳолат ёшларни чуқур фикрлашга ундайди.

Ёшларни ижодий фикрлашга ўргатишда савол ва жавоблар усулларида ҳам фойдаланиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:



**Савол:** Инсон тафаккурининг дастлабки шакли нима?

**Жавоб:** Тушунча.

**Савол:** Инсон тафаккури нималарни яратади?

**Жавоб:** Фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотларни.

**Савол:** Инсон тафаккури орқали яратилган ҳар қандай фикр, қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла оладими?

**Жавоб:** Йўқ, бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олади.

**Савол:** Ғоя нима?

**Жавоб:** Инсон тафаккурида вужудга келадиган ва унинг маҳсули сифатида ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

**Савол:** Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи нимада?

**Жавоб:** Ғоя шундай қувватки, у инсон ва жамият руҳиятига сингиб, унинг ички дунёсига кириб боради ва уни ҳаракатга келтирадиган, мақсад сари етакловчи руҳий - ақлий кучга айланади.

**Савол:** Ғоянинг энг муҳим хусусияти нимада?

**Жавоб:** Инсон ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканида.

**Савол:** Ғояларни қандай турларга ажратиш мумкин?

**Жавоб:** Илмий, диний, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, озодлик, мустақиллик, адолат ва ҳаққоният, миллий, умуминсоний, бадиий ғоялар ва ҳоказо.

**Савол:** Бадиий ғоялар деганда нимани тушунасиз?

**Жавоб:** Бадиий ғоялар адабиёт ва санъат асарларининг асосий маъно мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Адабиёт ва санъат бадиий таъсир воситалари сифатида



жуда катта кучга эга бўлиб, миллий ғояни тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда катта аҳамиятга эгадир.

**Савол:** Санъатда нима акс этади?

**Жавоб:** Инсон жасоратининг гўзаллиги, унинг олижаноблиги, фидойилиги акс этади ҳамда ярамас, хунук ҳодисалар, ёвузлик, тубанлик, разиллик фош этилади.

**Савол:** Санъатдаги гўзаллик қандай ҳолатда юзага келади?

**Жавоб:** Санъат - табиат ва инсонни ҳаққоний юксак бадиий шаклда акс эттирса, юксак ғоялар учун курашса, у гўзал бўлади.

**Савол:** Халқни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда санъатнинг бевосита вазифаси нима?

**Жавоб:** Давримизга мос ва унинг буюк ғояларига муваффақиятлари даражасида турадиган бадиий асарлар яратишдан иборат.

**Савол:** Санъат гўзалликларини ҳис этиш учун кишида нима бўлиши керак?

**Жавоб:** Кишида эстетик маданият ва қобилият бўлиши керак.

**Савол:** Санъаткорона муносабат нима?

**Жавоб:** Кишининг энг юксак, ижодий руҳий ҳолатидир. Ўз ишининг санъаткори бўлишидир.

**Савол:** Санъаткор асарига бўлган талаб нима?

**Жавоб:** Ҳаёт ҳақиқатига содиқликдир.

**Савол:** Санъаткор олдидаги энг муҳим вазифа нима?

**Жавоб:** Санъат, ҳаёт, гўзаллик ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш.

Ёшларнинг ўзи туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлка, санъатига бўлган меҳр-муҳаббати, муносабатларини жонли фикрлар билан ифода этиши уларнинг ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларини юксак даражада намоён бўлишидадир. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида мустаҳкамланиши унинг иқтисодий, маънавий,



маданий тараққиёти ҳамда фаровон ҳаётга эришиш йўлида тинмай меҳнат қилиши, изланиши ёшларнинг фидойилигидан дарак беради. Айнан шу фидойилик уларнинг ватанга бўлган садоқат ва муҳаббатидан бошланади.

Ёшлар келажак фарзандлари сифатида яхши ўқиши ва аъло хулқи, ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлиши учун мустақил ижодий фаолият кўрсатиши керак бўлади. Ёшларнинг онгли равишда таълим олиши уларнинг ўрганаётган материални фаол билиши ва ўзлаштиришига кенг йўл очади. Ёшлар кўпроқ мустақил ишлаганлари сари улар ҳар бир нарсани синчиклаб кузатишга, улар ҳақида тўғри хулосалар чиқаришга ўрганадилар. Ёшлар фан асосларини пухта ўзлаштириши учун юксак савияда фаолият кўрсатиши, мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари маълумотлари, материалларидан хабардор бўлиб, ўзининг илмий-амалий тажрибасини такомиллаштириб бориши керак. Бунинг натижасида ёшлар фаолиятида ижобий ўзгаришлар, мустақил ижодий изланиш ва ишлаш малакалари ҳосил бўлади. Дарҳақиқат ҳозирги кунда республикаимизнинг барча таълим муассасаларида ёшларнинг юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги кундаги асосий вазифа яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, замонавий ахборот коммуникация воситалари, илғор педагогик технологияларни амалиётга қўллаш орқали ёшларда катта ҳажмдаги маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш, мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, ақлий-интеллектуал, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминловчи самарали таълим жараёнини ташкил этишдан иборатдир.

**Хулоса шуки,** ҳақиқатан ҳам тасвирий санъат инсон зотини меҳнатга муносабатини оширади, ақл-идроқки, тафаккури, ижодкорлиги ва юксак



маънавий дунёсини бойитади. Тасвирий санъат ёшларнинг кўриш, кузатиш қобилияти, баддий эстетик тафаккури, ақлий салоҳияти, юксак дунёқараши ва маданиятини ривожлантиради, тафаккури ва ижодий қобилиятини ўстиради, баддий дидини тарбиялайди. Шунинг эса сақлаш керакки, тасвирий санъат – хурлик, поклик ва кўп қиррали билимдонлик, гўзаллик хазинасидир. Тасвирий санъатда шуҳрат қозониш истиснодга боғлиқдир. Тасвирий санъат эса масофани билмайди. Шу соҳани дилдан севган ёшларгина тасвирий санъатнинг овозсиз гўзал эканлигини яхши тушуниб етадилар. Бундай ёшларни эзгулик бунёдкорлари деб фахр билан тилга олиш мумкин бўлади. Оламга гўзаллик таратувчи ёшларнинг порлоқ келажаги бор. Бу борада уларнинг ўқиш, ўрганишини самарали амалга ошириш таъсирида эртанги кунимизга ишонч ҳамда мамлакат тараққиёти, истиқболи йўлида мустақкам ирода билан ҳаракат қилиш талаб этилади. Натижада ёшларнинг она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ҳурмат ҳисси, “Мен ватаним равнақи учун нима қиляпман?” деган масъулият туйғусини кучайтириш асосида уларнинг маълум бир янги ғоялари намоён бўлади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар” тўғрисида Тошкент ш., 2025 йил 1 июль, ПҚ-212-сон
2. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -13-б.
3. Шавкат Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқ; билан қурамыз. -Тошкент:" Ўзбекистон" 2017 й.



4. Ш. М. Мирзиёев. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавият оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-Б.220

5. ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА В ПАТРИОТИЧЕСКОМ И ЭСТЕТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ ШКОЛЬНИКОВ, Матеріали конференції Дата публікації: березня 27, 2021 С. Абдирасилов <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v4.42>